# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 17 декабрь, № 242 (6425) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамиятида Тошкент шаҳрида Тўқимачилик технопаркини ташкил этиш лойиҳасини амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.*

### Тўқимачилик технопарки саноатимиз равнақига хизмат қилади

Унда Корея Республикасининг Савдо, энергетика ва саноат вазирлиги “Ривожланишга расмий ёрдам” халқаро лойиҳаси раҳбари Ким Жонг Жу бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган делегация аъзолари, “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, тармоқ фирма ва корхоналари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан енгил саноатга қаратилаётган эътибор, чет эллик инвесторларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли мазкур соҳа жадал суръатларда ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Бугунги кунда унинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 26,2 фоиз, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 44 фоизга етгани бунинг яққол далилидир.

Кейинги йилларда тизимда хориж капитали иштирокида кўплаб замонавий корхоналар барпо этилаётгани, айниқса, ташқи бозорда рақобатдош бўлган тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш имконини бераяпти. Бу йўналишда Жанубий Корея билан ҳамкорликда умумий қиймати 231 миллион АҚШ долларидан зиёд 10 та қўшма лойиҳа амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

### Корхонанинг муваффақияти

*Сариосиё туманидаги “Одилхон” кичик корхонасига банк томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига хориждан илғор дастгоҳлар келтирилиб, мебель жиҳозлари тайёрлаш ўзлаштирилди.*

— Маҳсулотларимизни сотиш учун махсус дўкон фаолиятини ҳам йўлга қўйдик, — дейди лойиҳа ташаббускори Муродулла Холмуродов. — Шунингдек, ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилгани имкониятимизни янада кенгайтирди. Хусусан, шу имтиёз туфайли ўтган қисқа даврда 10 миллион сўмдан зиёд маблағни тежаб қолдик. Мазкур сармояни келгусида фаолиятимизни кенгайтириш учун сарфлаймиз.

Жорий йилнинг 9 ойида туманда 3 та ана шундай мебелсозлик корхонаси иш бошлади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркорлик субъектлари кўпаймоқда

*Учкўприк туманида жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 101 тага кўпайди.*

Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Шерназарова Санобар” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири.

— Президентимизнинг 2014 йил 3 июлдаги “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ҳудудимиздаги “Қўқон суперфосфат заводи” АЖга қарашли корхонанинг бўш турган биноларини бизга имтиёзли равишда беришди, — дейди тадбиркор Санобар Шерназарова. — Банк кредити ҳамда ўз сармоямиз ҳисобига ушбу иншоотларни реконструкция қилиб, пойабзал цехи фаолиятини йўлга қўйдик. Шу орқали 30 кишининг бандлиги таъминланди. Ҳозир маҳсулотларимизга ички бозорда талаб ортиб бормоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЯНЧИ

*Истиқболли лойиҳалар рўёбида инвестициянинг аҳамияти беқиёс. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, чет эл сармояси иштирокида замонавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида шаҳару қишлоқларда энг илғор технологиялар билан жиҳозланган тармоқлар барпо этилиши ҳисобига ички бозор талаблари тўлиқ таъминланиб, аҳоли эҳтиёжидан ортган маҳсулотларнинг бир қисми жаҳон бозорига ҳам чиқарилаяпти. Бу енгил саноат йўналишидаги ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти мисолида ҳам кўзга яққол ташланади.*




ИНВЕСТИЦИЯ



Маълумки, пахта толаси тўқимачилик корхоналари учун муҳим хом ашёдир. Заминимизда эса унинг энг юқори навлари етиштирилади. Қолаверса, кейинги йилларда пахтани қайта ишлаш борасида мамлакатимизда катта тажриба тўпланди. Бу юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Хусусан, Хоразм вилоятида мустақилликнинг дастлабки йилларида пахта толасининг атиги бир фоизи қайта ишланган бўлса, янги корхоналарни бунёд этиш, модернизация қилиш ҳисобига жорий йилда бу кўрсаткич 42 фоизга етди.

Бунда Боғот туманининг Бешариқ қишлоғида иш бошлаган “Xorazm tex” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган ушбу корхона 10,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритиш ва 200 та иш ўрни яратиш шарти билан “ноль” қийматида берилган, қурилиши тугалланмаган тўқимачилик фабрикаси ўрнида ташкил этилди. Шу тариқа 12,5 миллиард сўм қурилиш-монтаж юмушлари ҳамда чет элдан энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар харидига йўналтирилди. Натижада унинг биринчи босқичи ишга туширилиб, йилига 4 минг 300 тонна экспортбоп калава ип тайёрлаш имконияти яратилди. Эътиборлиси, корхона маҳсулотларининг 90 фоизи экспорт учун мўлжалланган.

Ҳозир жамиятда 200 киши иш билан банд. Уларнинг аксариятини маҳаллий ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Жамоа маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш мақсадида доимий изланишда. Шу туфайли ютуқлар салмоғи тобора ортиб бораяпти. Масалан, корхонада ўтган даврда 5 миллиард 841 миллион сўмликдан зиёд калава ип ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 1 миллион 417 минг АҚШ долларидан ортиқ қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

## «Инсон, унинг ҳаёти ва эркинликлари – Ўзбекистон Асосий Қонунининг олий қадриятларидир»

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг мустаҳкамланишида мамлакатимиз Конституциясининг тутган ўрни Сеулда муҳокама қилинди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган давра суҳбатида Корея Республикаси ҳукумати ҳамда эксперт-таҳлил доиралари вакиллари қатнашди. Тадбир иштирокчилари ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо қилинишига қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда Конституция муҳим ўрин тутишини қайд этишди.

Давра суҳбати чоғида таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ қилиш доирасида Асосий Қонунга киритилган қўшимчалар ҳамда давлат қурилиши жабҳасида қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилингани ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ҳамда оптималлаштиришни таъминлагани баробарида, давлат ҳокимиятининг демократик тизимини янада такомиллаштириш имконини берди.

Жанубий кореялик экспертлар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга юқори баҳо бердилар. Уларнинг фикрича, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижалари аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги даражасининг юксалишида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шу ўринда иқтисодиётнинг ўсиши қарийб 6 баробарни ташкил этаётгани, аҳоли реал даромадлари ҳажми эса жон бошига 9 баравар ошгани кореялик экспертлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан **Корея халқаро муносабатлар бўйича Кенгаши раиси Чунг Тэ Ик** Конституция давлатнинг Асосий Қонуни ҳисобланиши ва у олий юридик кучга эга бўлиб, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини кафолатлаши, ҳокимиятнинг марказий ва маҳаллий органлари ташкил этилиши тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда бир-бири билан ўзаро алоқадорлигини белгилаб бериши ҳақида тўхталди. Шу муносабат билан кореялик эксперт 2014 — 2015 йилларда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари мамлакатимиз сайлов тизимининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини намоён этганини, шунингдек, улар умумэътироф этилган халқаро меъёр ва андозаларга мос эканлигини алоҳида таъкидлади.

**Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Тадқиқот хизматининг Маърифий ва маданий ҳамкорлик бўлими директори Ю Ий Жунг** эътироф этганидек, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатни модернизациялаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини демократлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЯНГИ ҚОНУНЛАР

*Ахборот эркинлигини таъминламасдан, одамлар ўз фикр ва ғояларини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини эркин ифода этадиган муҳитни яратмасдан туриб, ҳақиқий демократияга эришишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, ахборот алмашишнинг тобора жадаллашуви, фуқароларнинг ахборотдан ҳамда масофадан туриб интерактив хизматлардан фойдаланишига кенг имкониятлар яратиб берадиган глобал телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш бугунги даврнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.*

### Ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи

Ахборот-коммуникация глобаллашуви шароитида давлат, бизнес, жамоатчилик институтлари ва фуқаролар ўртасида самарали мулоқот ташкил этиш учун ушбу соҳа технологиялари салоҳиятидан кенг фойдаланиш устувор аҳамиятга эга. Бунда аҳолининг сиёсий, иқтисодий фаоллигини, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги реал иштирокини янада оширишга қаратилган қонунчилик базасининг ўрни ниҳоятда каттадир.

Энг муҳими, давлат органларининг жамият олдида ҳисобдорлиги, шаффофлигини таъминлаш, аҳолига тақдим қилинадиган интерактив давлат хизматларини ривожлантириш мақсадида маъмурий давлат тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш замонавий ижтимоий коммуникация ҳуқуқий асосларининг муҳим тамойиллари ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий ахборот соҳасини ривожлантириш борасида катта натижаларга эришилди. Бу ютуқлар бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг ҳам юксак эътирофига сазовор бўлаяпти.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда 2014 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун фуқароларнинг ахборот олишга оид конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлади. Шунингдек, мазкур ҳуқуқий ҳужжат ахборотни, аввало, фуқароларнинг бевосита ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган маълумотларни олиш механизмларини аниқ белгилаб берди.

Мамлакатимизда ахборот соҳасини изчил ва жадал ривожлантиришда “Алоқа тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда. 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилаяпти. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди. Шу асосда замонавий ахборот технологиялари инфратузилмаси шакллантирилди. Бу, ўз навбатида, оммавий ахборотнинг миллий ва халқаро ахборот маконида тўсиқсиз айланишига имкон бераётир.

(Давоми 2-бетда).

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

### Ёш авлодни баркамол вояга етказиш — устувор вазифа

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим-тарбия тизими тубдан ислоҳ этилиб, ёш авлоднинг ҳар томонлама пухта билим олиши учун барча ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури соҳада самарадорликни оширишга, янги марраларни эгаллашга хизмат қилмоқда. Бинобарин, уларга кўра, таълим муассасалари давр талабларига мувофиқ янгиланди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув муассасалари ташкил этилди, энг муҳими, малакали педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди. Буларнинг барчаси навқирон авлоднинг бахтли келажаги, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишига қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

## Имтиёз ва эътибор

### тадбиркор хотин-қизлар ташаббусларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда

ТАНЛОВ

Пойтахтимизда “Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси” танлови республика босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк томонидан “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ва “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари, тижорат банклари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда оилавий бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, хотин-қизларнинг барча йўналишдаги салоҳиятини рўёбга чиқариш, ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш борасида кенг кўламли ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда аёлларнинг юртимиз тараққиётидаги улуши, оиладаги мавқеи, жамиятдаги нуфузи тобора ошиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири — иқтисодиётимизни ривожлантиришда етакчи куч ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш орқали қулай ишбилармонлик муҳитини яратишдан иборат. Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.*

# ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

“Асака” банкининг Сергели филиали жамоаси мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш, мижозларга, хусусан, кичик бизнес субъектларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида инновацион банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Бу, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенгроқ жалб этиш, ишбилармонлар фаолиятини кенгайтиришда кўзга яққол ташланаяпти. Натижада маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми муттасил равишда ортмоқда.

2015 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, банк филиалининг кредит портфели ҳажми 135,2 млрд. сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этгани эътиборга молик. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 85,9 млрд. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарга 18,8 млрд. сўмлик, ноозиқ-овқат саноати корхоналарига 4,7 млрд. сўмлик молиявий кўмак берилган бўлса, тадбиркор аёллар фаолиятини кенгайтиришга 1,3 млрд. сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эса 2,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари тақдим қилинди.

Филиалнинг тезкор ва сифатли банк хизматлари аҳолининг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, истиқболли бизнес лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, пировардида ишлаб чиқариш, сервис ва хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, ҳудуднинг саноат салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буни бир гуруҳ мижозларнинг қуйидаги дил сўзлари ҳам тасдиқлаб турибди.

**Эркин ХОДЖИБАЕВ, “Fayz Foundation” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Бугун юртимизда бизнесни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Айниқса, тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар ишимизга унум бағишлаяпти. Масалан, қандолат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган бизнинг корхонамиз фаолияти “Асака” банкининг кўмаги туфайли йил сайин кенгаймоқда.

Гап шундаки, яқинда ушбу банкнинг Сергели филиали томонидан ажратилган кредит эвазига замонавий, юқори унумли, энг асосийси, электр энергиясини тежовчи ускуналарни харид қилдик. Пировардида маҳсулот тайёрлаш ҳажми икки баравар кўпайиши баробарида, буюртмачиларга импорт ўрнини босувчи



ширинликлар етказиб бера бошладик.

Маҳаллий хош ашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати юқорилиги боис унга қўшни давлатларда ҳам талаб ортмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, келгусида корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, экспорт амалиётини кучайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу жараёнда “Асака” банки бизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашига ишончимиз комил.

**Равшан ТОЛИПОВ, “Toshkent Rizq Baraka” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Иқтисодиётимизнинг барча тармоғи барқарор ривожланиб, ички бозор юқори сифатли маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдирилишида тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани муҳим омил бўлмоқда. Чунки бугун деярли барча соҳада кичик бизнес субъектлари фаол қатнашаяпти.

Биз яратиб берилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, озиқ-овқат саноати равнақига муносиб улуш қўшиш мақсадида “Асака” банкининг Сергели филиали кўмаги билан ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз.

Маҳсулотларимиз сифатлилиги ва нархининг арзонлиги туфайли буюртмалар тобора ошиб бораяпти. Шу боис фаолиятимизни кенгайтириш учун бизнес-режа тузиб, ишончли ҳамкоримизга айланган “Асака” банкига мурожаат этдик. Молия муассасаси томонидан бизнес-режамиз истиқболли, деб топилиб, қисқа муддатда кредит ажратиш бўйича қарор қабул қилинди.

Банк сармоясидан мақсадли фойдаланиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини бир неча баравар оширишга эришдик. Шу билан бирга, бешта қўшимча иш ўрнини ташкил қилиб, уларга касб-ҳунар коллежи битирувчиларини жалб этдик.

Бунинг учун “Асака” банкининг хизматларидан миннатдормиз.

**Санжар ҲАСАНОВ, “Diyora Fayz Gulshani” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Юртимизда кичик бизнеснинг ривожи учун катта имкониятлар эшиги очиб берилган. Айниқса, соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайтирилаётгани истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш, иқтисодиётимизни тараққий эттиришда қўл келмоқда. Бунга бизнинг фаолиятимиз яққол мисол бўла олади.

Халқимиз дастурхонига арзон нархларда гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйиш ниятида бизнес-режа тузиб, уни “Асака” банкига тақдим этган эдик. Банк мутахассислари ҳужжатларимиз билан яқиндан танишгач, қисқа муддатда зарур миқдордаги кредитни ажратиб беришди. Шунинг ҳисобига 93 бош қорамол сотиб олдик.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ҳозирги пайтда хўжалигимиздаги қорамоллар сони 120 бошга етди. Шунга мос равишда сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам кўпайди. Бунинг учун банк жамоасининг молиявий хизматидан, беғараз маслаҳатидан хурсандмиз.

Бундан кейин ҳам ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқараверамиз.

Мухтасар айтганда, “Асака” банкининг Сергели филиали жамоаси “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ишларни келгусида ҳам изчил давом эттираверади. Зотан, тадбиркорлик ривожи фаровонлик асосидир.

**Банк материаллари асосида Қ. ВАЛИЕВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*

ИЗЛАНИШ

*Сирдарё вилояти марказидаги “Гулистон мотор” масъулияти чекланган жамияти бундан бир неча йил аввал қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш йўналишида фаолият бошлаган эди.*

# Бинокорлар талабига мос

Эндиликда бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда.

Хусусан, яқинда корхонада бино ва иншоотлар деворларини пардозлашда қўлланиладиган сувли эмульсия тайёрлаш ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳа рўёби учун сарфланган харажат жамиятнинг ўз даромади ҳисобидан қопланди.

— Германиядан келтирилган технологик линиямиз кунига 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди МЧЖ раҳбари Шуҳрат Маматов. — Шу билан бирга, буюртмачилар талабига кўра, сувли эмульсияни турли рангларда тайёрлаш имконияти ҳам мавжуд. Ўзимизнинг бўр цехимиз борлиги эса маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришда муҳим омил бўлаяпти.

Айтиш лозимки, ҳозир ушбу тадбиркорлик субъектида яна бир неча турдаги пардозлаш-сувоқ ашёлари, мих сингари қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётир. Қувонарлиси, келгуси йилда улар қаторига турли бўёқлар ҳам қўшилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

БАРЧА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2015 йил 20 майдаги 50 (ЭДО-07/1-266)-сонли баёни**га асосан, республикадаги барча корхона ва ташкилотларда мамлакатимиз эришган ютуқлар ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини атрофлича етказиш мақсадида

**«Маънавият соат»лари ўтказиш кўзда тутилган.**

**«Маънавият тарғиботчиси»** таълим муассасаси сиз билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиб, «Маънавият соат»ларини ташкил этади.

**Профессор-ўқитувчилар ва ижодкор зиёлилар бизнинг йўлланмамиз билан бориб, ходимларингизнинг барча саволларига жавоб беришади.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 100019, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй.
Электрон почта: malaka15@umail.uz
Телефон: (0-371) 239-10-88.
Факс: (0-371) 239-15-22.**

1786R/801

Хизматлар лицензияланган.

## БИЛДИРИШ

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 4 декабрдаги № 234 (6417)-сонида чоп этилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 2-уйда жойлашган кўчмас мулкнинг аукцион савдоси Бектемир тумани СИБнинг 2015 йил 11 декабрдаги хатига асосан тўхтатилди.

*«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.*

1865А/34

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Наманган вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2015 йил 12 ноябрдаги 16-1503/12902-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Наманганмебель» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳри, Ҳамроҳ кўчаси, 62-уйда жойлашган, 54 хонадан иборат, фойдаланиш майдони 2271,16 кв.м. бўлган бош цех ва маъмурий бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 748 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават.
Телефонлар: (0-369) 227-97-01, 227-94-47.
www.1kms.uz**

1868R/02

Лицензия: RR-0001.

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 26 январь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 7 августдаги 15-1504/13206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, «Зебунисо» МФЙ, А. Азизов кўчаси, 15-уйда жойлашган, ер майдони 655,50 кв.м., қурилиш ости майдони 322,02 кв.м., фойдаланиш майдони 473,76 кв.м. бўлган, 0001, 0014-литерлардаги икки қаватли маъмурий бино.

***Бошланғич баҳоси — 388 500 000 сўм.***

**2.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 4 августдаги 15-1404/9324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 46-МФЙ, Темур Малик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 300,67 кв.м., фойдаланиш майдони 122,51 кв.м. бўлган, 0001 — 0012-литерлардаги «Лакомка» дам олиш павильони.

***Бошланғич баҳоси — 192 137 168 сўм.***

**3.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 2 сентябрдаги 15-1509/16119-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «2-ўрмончилар» МФЙ, Ўрмончилар кўчаси, 29-уйда жойлашган, ер майдони 52585,10 кв.м., қурилиш ости майдони 39166,52 кв.м., фойдаланиш майдони 3507,06 кв.м. бўлган, 0001 — 0026-литерлардаги ишлаб чиқариш базаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 085 577 378 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 22 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**2016 йил 12 январь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:**

**1.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Сурхтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 201,42 кв.м., фойдаланиш майдони 173,64 кв.м. бўлган, 0001 — 0002-литерлардаги озиқ-овқат дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 58 114 341 сўм.***

**2.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Қудуқлик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 450,73 кв.м. бўлган, 0001 — 0010-литерлардаги автотеххизмат бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 334 524 078 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 8 январь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, Савдо-саноат палатаси биноси, 1-қават.
Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

1867А/34

Хизматлар лицензияланган.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*“Royal Dutch Shell” (Нидерландия — Буюк Британия) нефть-газ компанияси “туманли Альбион”даги соҳадоши “BG-Group” билан бирлашганидан сўнг 2800 та иш ўрнини қисқартиришни режалаштирмоқда.*

## Харажатларни тежаш чораси

Шу йўл билан у 3,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаш ниятида. Айтиш жоизки, аввалроқ реструктуризация дастури доирасида 7,5 минг нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Мазкур икки йирик хом ашё етказиб берувчининг бирлашиши “қора олтин” нархининг пасайишига ҳам туртки беради. Шу боис улар харажатларни камайтиришга мажбур. Масалан, “Shell”нинг ўзи учинчи чоракда 6 миллиард доллар йўқотди.

## Орнитологлар хулосаси

*Орнитологлар томонидан ҳозирги қушлар пайдо бўлган манзил аниқланди.*



“Сайнс Эдвенсез” илмий журналида чоп этилган материалга кўра, уларнинг ватани Жанубий Америка ҳудудлари экан. Қушлар бундан 95 миллион йил аввал шу ерда вужудга келган. Олимлар бундай жониворлар сирасига туяқуш, киви ва бошқа учмайдиган ҳамда учадиган қушларни киритганлар.

## Ҳосил йиғадиган робот

*Япониянинг “Panasonic” компанияси яна бир замонавий робот намунасини омма эътиборига ҳавола қилди.*

У мустақил равишда битта кўчатдаги помидорларни 20 сонияда териш имкониятига эга. Мазкур технологик қурилмага ўрнатилган механизм сабзавотларнинг пишган-пишмаганини аниқлаб беради. “Қўллари” эса етилган маҳсулотни эҳтиёткорлик билан узиб, саватга жойлаштиради. Идиш тўлганини эса махсус сенсор асосида билиб, уни бошқасига алмаштиради.

Компания вакиллари айни пайтда роботнинг териш тезлигини 6 сониягача камайтириш устида иш олиб боришаяпти.

## Электромобиллар сони ортади



*АҚШнинг “Ford Motor” компанияси электромобиллар ишлаб чиқариш учун 4,5 миллиард доллар миқдорида инвестиция йўналтиради.*

Манбада айтилишича, шу асосда яқин беш йил ичида унинг маҳсулотлари қаторига 13 та янги русум қўшилади. 2020 йилга бориб эса, “Ford”да тайёрланадиган автомобилларнинг 40 фоиздан ортиғи электр энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган бўлади. Қолаверса, илғор аккумуляторлар яратиш устида изланишларга ҳам эътибор кучайтирилиб, ушбу жараёнга етакчи олим ҳамда муҳандислар жалб этилиши кўзда тутилган.

## Эрталаб қаҳва ичиш зарарлими?

*Стенфорд университети психологи Рассел Подрак ноодатий тадқиқот ўтказди.*



У бир ярим йил давомида ҳар ҳафтада икки марта ўз миясини магнит-резонанс томография (МРТ) қилдириб борган. Изланишлар якуни ҳайратланарли бўлиб чиқди. Унга кўра, эрталаб ичилган қаҳва бош миядаги нейрон алоқаларини бузар экан. “Стенфорд ньюс” нашрида ана шу тадқиқотга оид натижалар эълон қилинган.

— Нонушта ва қаҳва мияга энг кўп таъсир қилади, — дейди у. — Организмга кофеин қабул қилинмаганда эса соматосенсор ва кўриш тизими яхши ишлаши аниқланди.

Ҳозир ушбу тажриба кўплаб саволларни юзага чиқармоқда. Лекин олимлар бундай тадқиқот нейронлар ўртасидаги алоқанинг бузилиши, жумладан, шизофрения ёки икки қутбли бузилиш касалликлари келиб чиқиши сабабини янада чуқур ўрганиш имконини беришини таъкидлашмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Умрбоқий хазина



*Ҳунармандчиликни умрбоқий хазинага қиёслаш мумкин. Асрлардан-асрларга ўтиб келаётган бу анъана истиқлол шарофати билан янада сайқалланиб, иқтидор соҳиблари салоҳиятини юзага чиқариш манбаига айланди.*

**ҲУНАРМАНДЧИЛИК**

Наманган шаҳрининг Мингчинор даҳасида истиқомат қилаётган Неъматжон Солиев кулолликда катта тажрибага эга қўлигул инсонлардан бири.

Айтиш керакки, юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар Неъматжон ака сингари ҳунармандларнинг ижодий интилишларига ҳам қанот бағишлади. У аввалари бу юмуш билан шунчаки ҳаваскор сифатида шуғулланиб, оддийгина гултуваклар ясаб келган бўлса, давлатимиз томонидан соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли уни асосий машғулоти ҳамда даромад манбаига айлантирди. Кулолликнинг қадимий ва ноёб сирларини амалда қўллаб, фарзандлари, маҳалла ёшларига қунт билан ўргатди ҳамда шу тарзда "Устоз — шогирд" мактабига асос солди. Бу билан чекланиб қолмай, чинни буюмлар тайёрлашни йўлга қўйди. Айни пайтда унинг оилавий устахонасида 70 турдан зиёд ана шундай маҳсулотлар ясалмоқда.

— Ота-боболаримиз тажрибаси ва замонавий талабларни уйғунлаштирган ҳолда, фаолият олиб бораётганимиз муваффақиятларимиз омили бўлаяпти, — дейди республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси Н. Солиев. — Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, чиннисозлик билан астойдил шуғуллана бошлаганимиздан буён юздан ортиқ андазадаги идиш-товоқлар, гулдон ва бошқа буюмлар тайёрлашни ўзлаштирдик.

Устанинг ижодхонасида ясалаётган кулоллик буюмларининг ҳар бирида унинг "дастхати" кўзга яққол ташланиб туради. Боиси, уларнинг чизмасидан тортиб, қолипигача ўзининг қўлидан чиққан. Ҳовлисида жойлашган хумдонларни ҳам ўзи ясаган. Эндиликда бу маънавий хазинадан шогирдлари баҳраманд бўлаётир.

Ҳунармандчилик — ижодий иш. Унинг соҳиби яратган асар кўпчилик эътирофини қозонсагина қадр топади. Шу жиҳатдан олганда, наманганлик кулолнинг изланишлари маҳсули бўлган бетакрор чиннилар турли кўргазмаларда ҳамиша юксак баҳоланиб келинаётгани диққатга сазовор. Чунончи, 2012 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ, "Шуҳрат" медали билан тақдирланган уста "Ташаббус — 2013" кўрик-танловида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, муносиб тақдирланди. Пойтахтимизда ўтказилган қатор кўргазмаларда ҳам фаол қатнашиб, ҳамкасблари билан тажриба алмашди.

Наманганда Неъматжон акани "Мактаб яратган уста", дея ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас. Уч ўғил — Шокиржон, Ботиржон ва Носиржон ота изидан бориб, унинг ҳунарини эгаллашди. Оила устахонасида набиралардан ташқари, ўн нафар шогирд маҳорат ошираяпти. Умуман, кейинги йилларда бу мактабни ўтаб, нодир ҳунар сирларини ўзлаштирган ёшлар сони уч юз нафардан ортиб кетди. Уларнинг кўпчилиги айни чоғда мустақил иш юритаяпти. Қўлигул кулол буларнинг барчасидан қувонади, кўнгли фахрга тўлади. Зеро, билганларини баҳам кўрган кишининг тажрибаю билими авлодлар учун боқий мерос бўлиб қолиши билан аҳамиятлидир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЯНГИЛИК**

*Китоб туманидаги "Kitob Sayyoh" хусусий корхонаси томонидан экотуризм манзилларига ноанъанавий саёҳат йўналиши ишлаб чиқилди.*

# Ноанъанавий йўналиш

Унга мувофиқ, юртимиз аҳли ва меҳмонларига табиат қўйнидаги миллий урф-одатларимиз акс эттирилган ўтовларда хизмат кўрсатилади. Бу ерда улар азалий қадриятларимиз, тарихий қадамжолар билан яқиндан танишиш баробарида, атроф-муҳитнинг бетакрор манзараларидан ҳам баҳраманд бўладилар.

— Шу мақсадда ҳар бири тўрт ўринга мўлжалланган 6 та ўтов қурдик, — дейди корхона раҳбари Аҳад Бердиев. — Бу ерда сайёҳлар қисқа муддат яшаб, йўналиш жуғрофиясидан ўрин олган Шаҳрисабз шаҳрининг маданий-тарихий объектлари билан танишиш, Китоб кенглик станциясида телескоп орқали юлдузларни томоша қилиш, шунингдек, Суқар, Қайнар, Аёқчи каби тоғли ҳудудларга экскурсия уюштириш имкониятига эга бўладилар.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларнинг аксарияти диёримизнинг энг хушманзара жойларини кўришни истайди. Мазкур лойиҳанинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, унда сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар талаб этилмайди. Аниқроқ айтганда, туризмнинг ушбу турида анъанавий ҳордиқ чиқариш ёки маиший қулайликлар у қадар муҳим ҳисобланмайди.

"Ўзбектуризм" Миллий компанияси вилоят вакиллиги маълумотларига қараганда, жорий йилнинг учинчи чорагида ҳудудда 47 минг 978 нафар сайёҳга хизмат кўрсатилган. Шундан 3 минг 400 нафари хорижий давлатлар фуқароларидир. Бунда воҳанинг туристик бренди тайёрлангани алоҳида аҳамият касб этди. Айни пайтда соҳага илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва банк хизматларини кенг татбиқ этиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган 10 та ҳудудда Wi-Fi зоналари ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги "2013 — 2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори доирасида вилоятда амалга оширилган кенг кўламли ишлар жойларда экотуризм ривожига қаратилаётган эътибор келгусида сайёҳлар сони янада ортишига хизмат қилади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ХИЗМАТ**

*Қўқон шаҳрида "Қўқон дарвозаси" авто шоҳбекати бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада Фурқат, Бешариқ ҳамда Ўзбекистон туманларидан мазкур қадимий кентга қатновчи йўловчилар учун қулайлик яратилди.*

# Йўловчилар учун қулайлик

Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, "Ёшлар боғи", "Учкўприк", "Найманча", "Данғара" автобекатлари ҳам ишга туширилди.

Эътиборли жиҳати, айни пайтда Фарғона вилояти ҳокимлиги қарорига мувофиқ, ҳудуддаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари йўналишли автобус ҳамда микроавтобусларда ўз манзилларига бепул етказиб қўйилаяпти. Қоляверса, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига 23 йил тўлиши муносабати билан 8 декабрь куни Қўқонда барча аҳоли қатлами ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда шаҳарда 13 та корхона йўловчи ташиш билан машғул. Улар ихтиёридаги жамоат транспортлари сони эса 250 тадан ошади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кексаларга эҳтиром

*Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Кексалар — эъзозда" деб номланган концерт дастури намойиш этилди. Шу муносабат билан бу ерга отахону онахонлар, маданият ва санъат намояндалари, жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар таклиф қилинди.*

**ТАДБИР**

Хонадонларимиз файзи бўлган нуронийларимизнинг ибратли умр йўллари, пурмаъно ҳикмат ва ўгитлари ҳар биримизни муносиб ҳаёт кечиришга ундайди. Шунинг учун ҳам халқимизда кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш бебаҳо қадрият даражасига кўтарилган. Айниқса, жорий йилнинг мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номлангани ҳамда шу асосда қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ, бу борадаги савобли ишлар кўлами янада кенг қулоч ёзди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида уюштирилган мазкур концерт дастури ҳам мақом санъати анъаналарини янада ривожлантириш, ёш ижрочиларни кашф этиш, шунингдек, нуронийларимизнинг вақтини чоғ ўтказиш, мароқли дам олишларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Унда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлигидаги "Мақом" ансамбли ва бир гуруҳ устоз санъаткорлар томонидан дилтортар куй-қўшиқлар ижро этилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизлари Бекназар Дўстмуродов, Ўлмас Саиджонов, Абдунаби Иброҳимов, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари Матлуба Дадабоева, Замира Суюнова, Зулайҳо Бойхонова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Шарофат Тожибоеванинг ашулалари мухлислар олқишига сазовор бўлди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БУНЁДКОРЛИК**

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги байрами арафасида Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғи аҳолиси учун туҳфа ҳозирланди. Яъни ҳудудда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.*

# Қишлоқ аҳлига туҳфа

Ушбу маскан 440 ўринли концерт зали, овоз ёзиш студияси, анжуманлар зали, тамаддихона, ёзги хиёбон ҳамда бадиий жамоалар ва санъат тўгараклари фаолияти учун ихтисослаштирилган ижодхоналарни ўз ичига олган. Бунёдкорлар бу ерда қарийб 1,5 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар.

Айтиш жоизки, кейинги икки йил давомида вилоятда мазкур йўналишда 20 га яқин лойиҳа рўёбига киришилди. Айни пайтда барпо этилган масканларнинг бир қанчаси аҳолига хизмат кўрсатаяпти.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Эълон

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни **www.1kms.uz** сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.**
**Факс: (0-371) 228-80-24.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 октябрдаги 19-1503/16578-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда жойлашган, «Бойсун баракат имкон» МЧЖга тегишли, умумий майдони 1847,50 кв.м. бўлган, А, Б, В, Д, а, б-литерлардаги маъмурий ва хўжалик бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 187 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 октябрдаги 19-1504/16576-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда жойлашган, «Бойсун баракат имкон» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 219,52 кв.м. бўлган, 9 та хонадан иборат А-литердаги маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 111 000 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 22 июлдаги 19-1302/7452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчаси, 13-уйда жойлашган, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сурхондарё вилояти филиалига қарашли дорихонага тегишли, ер майдони 769,56 кв.м. бўлган, 15 хонадан иборат маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 62 827 000 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 29 июлдаги 1-230-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 18-«А» уйда жойлашган, «Паҳлавон қурилиш люкс» ИТҚТга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда.

**1.** Фойдаланиш майдони 197,31 кв.м. бўлган, 1 қаватли, ертўлали 8-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 226 003 879 сўм.***

**2.** Фойдаланиш майдони 329,14 кв.м. бўлган, 1 қаватли, ертўлали 7-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

***Бошланғич баҳоси — 499 281 991 сўм.***

**3.** Фойдаланиш майдони 212,84 кв.м. бўлган, 1 қаватли, ертўлали 5-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 246 207 968 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 27 октябрдаги 19-1401/15182-сонли, 2014 йил 28 ноябрдаги 19-1404/22704-сонли, 2014 йил 23 декабрдаги 19-1402/21286-сонли, 2015 йил 11 мартдаги 19-1507/1117-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ёшлар кўчаси, 10-уйда жойлашган, «Ўзмахсустранс ФВВ» ДУКга тегишли, ер майдони 99,65 кв.м. бўлган қозонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 15 278 000 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 июндаги 19-1307/6125-сонли ва 2012 йил 6 июлдаги 19-1203/8578-сонли ундириш ҳамда ФИБ Сариосиё тумани судининг 2014 йил 8 августдаги ижро варақаларига асосан хатланган, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри, Собир Раҳимов номидаги МФЙ ҳудудида жойлашган, «Сариосиё иссиқлик манбаи» ИЧКга тегишли, ер майдони 2100 кв.м. бўлган қозонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 21 374 033 сўм.***

**VII.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2013 йил 17 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Амир Темур СИУ, Хитоян маҳалласида жойлашган, ер майдони 1200 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 17 495 408 сўм.***

**2.** ФИБ Денов туманлараро судининг 2013 йил 22 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, Номозгоҳ маҳалласида жойлашган, ер майдони 1000 кв.м.дан иборат уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 44 301 461 сўм.***

**3.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 27 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Пистамазор» ҚФЙ, Байналмилал маҳалласида жойлашган, ер майдони 1300 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 62 746 477 сўм.***

**4.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 27 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Бибихоним 1-берк кўчаси, 1-уйда жойлашган, ер майдони 800 кв.м. бўлган 1-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 65 868 000 сўм.***

**5.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 27 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Амир Темур кўчаси, 72-уйда жойлашган, ер майдони 300 кв.м. бўлган 3-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 64 489 646 сўм.***

**6.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 27 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Озодлик кўчаси, 45-«А» уйда жойлашган, ер майдони 899 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 73 844 878 сўм.***

**7.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 27 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Огаҳий кўчаси, 6-«А» уйда жойлашган, ер майдони 400 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 72 893 841 сўм.***

**8.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 15 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Баҳористон кўчаси, 6-уйда жойлашган, ер майдони 443 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 63 127 000 сўм.***

**9.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 27 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Мақсуд Шайхзода кўчаси, 10-уйда жойлашган, ер майдони 590 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 72 354 070 сўм.***

**10.** ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2014 йил 15 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, собиқ У. Юсупов кўчаси, 126-уйда жойлашган, ер майдони 403 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 65 865 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 15 январь куни соат 18.00.

**VIII.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов номидаги маҳаллада жойлашган, умумий майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган тураржой) 1 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 273 191 230 сўм.***

**IX.** Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 27 мартдаги 1-983-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз тумани, «Учқизил» ҚФЙ, Паррандачилик маҳалласида жойлашган, умумий майдони 600 кв.м., 1 қаватли, 4 хонадан иборат тураржой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 107 200 000 сўм.***

**X.** Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Шўрчи тумани, Амир Темур кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» хусусий дорихонасига тегишли, умумий майдони 764,58 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 25 хонадан иборат маъмурий бино ва савдо дўконлари биноси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 220 304 579 сўм.***

**2.** Шўрчи тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Ободон маҳалласида жойлашган, ер майдони 5379,33 кв.м. бўлган бостирма, қоровулхона бинолари ва темирбетон тўсиқ бинолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 310 478 168 сўм.***

**3.** Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 26-уйда жойлашган, ер майдони 2036,0 кв.м. бўлган уй-жой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 285 228 075 сўм.***

**4.** Шўрчи тумани, Х. Бегматов кўчаси, 50-уй, 2-қават, 7-хонадонда жойлашган, умумий майдони 92,6 кв.м. бўлган уй-жой 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 33 593 954 сўм.***

**XI.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Беруний кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» МЧЖга тегишли, умумий майдони 582,55 кв.м. бўлган, 15 хонали, 2 қаватли, ертўлали дорихона биноси 10 фоиз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 217 685 853 сўм 9 тийин.***

Аукцион савдоси 2015 йил 31 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 29 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Трастбанк» ХАБ Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,**
**Баркамол авлод кўчаси, 32-уй,**
**«Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.**
**Телефон: (0-376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz E-mail: rieltsavdo@inbox.uz**

Лицензия: RR-0001.

1864R/02



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1267. 72 731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.**
**Навбатчи — Д. Содиқов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 20.50** 1 2 3 4 5